

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОСАНОВА ГУЛЗАР МАУЛЕНБЕРГЕНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА КЎПЧИТИЛГАН
ВЕРМИКУЛИТНИ ГИДРОФОБЛАШ ВА ЕНГИЛ ИССИҚЛИК
САҚЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD)

Досанова Гулзар Мауленбергеновна

Маҳаллий хомашёлар асосида кўпчитилган вермикулитни
гидрофоблаш ва енгил иссиқлик сақловчи материаллар

технологиясини ишлаб чиқиш 5

Досанова Гулзар Мауленбергеновна

Разработка технологии гидрофобизации вспученного вермикулита
и легких теплоизоляционных материалов на основе местных

сырьевых ресурсов 21

Dosanova Gulzar Maulenbergenovna

Development of hydrophobization technology of expanded vermiculite
and lightweight thermal insulation materials on the basis of local raw

resources 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БЕРДАҚ НОМИДАГИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДОСАНОВА ГУЛЗАР МАУЛЕНБЕРГЕНОВНА

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁЛАР АСОСИДА КЎПЧИТИЛГАН
ВЕРМИКУЛИТНИ ГИДРОФОБЛАШ ВА ЕНГИЛ ИССИҚЛИК
САҚЛОВЧИ МАТЕРИАЛЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Т1916 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, ингилиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Талипов Нигматулла Ҳамидович
техника фанлари доктори

Расмий опонентлар:

Закиров Бахтияр Сабиринович
кимё фанлари доктори, профессор

Каипбергенов Атабек Тулепбергенович
техника фанлари доктори

Ётақчи ташкилот:

Тошкент Кимё-технология институти

Диссертация химояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «24» сентябрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдилов кўчаси, 1. Тел: (+99861) 223-60-47, факс: (+99861) 223-60-78, e-mail: karsu_info@edu.uz.)

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (№46 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч. Абдилов кўчаси, 1. Тел: (99861) 223-59-49.)

Диссертация автореферати 2021 йил «06» сентябрь куни тарқатилди.
(2021 йил «06» сентябрьдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



А. М. Реймов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси, т.ф.д., профессор

Р. К. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.н., доцент

Ш. Н. Туремуратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ўзгараётган иқтисодий вазият, қурилиш саноатининг моддий-хомашё базасини рационал фойдаланиш мақсадида, уни қайта ислоҳ қилишни тақозо этмоқда. Ушбу мақсадга эришиш йўлларида бири, анъанавийларига нисбатан анча самарали ва арзон бўлган иссиқлик сақловчи материалларнинг янги турларини яратиш ҳисобланади. Қурилиш соҳасида қўлланиладиган энгил иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқаришда ноорганик кўпчитилган тўлдурувчилардан фойдаланиш истиқболли йўналиш ҳисобланади. Иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқаришда модификацияловчи кўшимчалар муҳим ҳисобланиб, бунда гидрофобизаторнинг янги таркибини яратиш ва тўлдирувчининг гидрофобланиш даражасини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда минерал боғловчилар, ғовак структурали тўлдирувчи ва микротўлдирувчилар асосида янги ноорганик, иссиқлик сақловчи хусусиятларига эга бўлган материаллар олиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада кўпчитилган тўлдирувчиларни гидрофобизациялаш учун кукунли гидрофобизатор таркибини яратиш, кўпчитилган ва гидрофобланган тўлдирувчилар ва модификацияловчи кўшимчаларни фойдаланиш орқали юқори эксплуатацион хоссаларга эга бўлган янги таркибларни ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларни такомиллаштириш ва маҳаллий ишлаб чиқаришга мўлжалланган гидрофобланган ғовакли тўлдирувчилардан фойдаланган ҳолда иссиқлик сақловчи материаллар технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда кенг миқёсда амалга оширилган тадбирлар натижасида табиий минерал хомашёсининг янги конларини ўзлаштириш ва турли мақсадларга мўлжалланган иссиқлик сақловчи материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишида «...илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзаси гидрофобизацияси учун кукунли гидрофобизаторнинг янги таркиби ва энгил иссиқлик сақловчи материаллар технологиясини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси», 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетик соҳасида бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон «Қурилиш материаллар саноатини ривожланишини жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республикада фан ва техника тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII: «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Енгил тўлдирувчилар асосидаги иссиқлик сақловчи қурилиш аралашмалари тадқиқоти билан П. П. Геденов, Ю. П. Горлов, Ю. М. Тихонов, Т. Ю. Еремина каби олимлар шуғулланишган. Хом вермикулитни, шунингдек кўпчитилган вермикулит, унга асосланган материаллар ва маҳсулотларни ўрганишга катта ҳисса қўшган олимлар И. У. Грунер, Г. Ф. Уолкер, И. Баршад, А. Аргуэлес, Р. Я. Ахтямов, И. А. Левицкий, К. Н. Дубенецкий, А. П. Пожнин, П. А. Орифов, З. К. Кадилова, К. Ф. Таджиевлардир.

Иссиқлик сақловчи аралашмалардаги гипс боғловчиларнинг ўзига хос хусусиятлари В. Ф. Коровякова, П. П. Будникова, Х. С. Воробёв, Ю. Г. Мешерякова, А. В. Ферронская, Х. Б. Фишер, А. Д. Жуков, И. Хаас ишларида ёритилган. Иссиқликдан ҳимоя қилувчи материаллар таркибини ишлаб чиқиш В. А. Кучеренко номидаги ЦНИИСК "Теплопроект", УралНИИ стромпроект, ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти, ЛИСИ (СПбГАСУ) илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари шуғулланишган. Иссиқлик сақловчи курук қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва таркибини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган тадқиқотчилар ичида Ю. М. Баженов, Э. Л. Болшаков, В. И. Корнеев, П. В. Зозуля, В. С. Демянова, А. И. Кудяков, А. Ф. Бурьянов, Г. И. Яковлев, Н. Х. Талиповлар ҳисобланади.

Илмий-техник адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, кўпчитилган вермикулитни гидрофоблаш учун кукунли гидрофобизатор таркибини ишлаб чиқиш ва гипс боғловчиси асосидаги енгил иссиқлик сақловчи пардозлаш қоришмаларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш етарлича даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илимий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ОТ-А-14-25 «Модификацияланган вермикулит асосида иссиқлик сақловчи композицион материалларни таркибини ва технологиясини ишлаб чиқиш» (2017-2018 йй.) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўпчитилган вермикулитни гидрофоблаш учун кукунли гидрофобизаторнинг янги таркибини ҳамда ноорганик материаллар асосида бинолар ва иншоотларни иссиқлик изоляцияловчи янги авлод енгил иссиқлик сақловчи материаллар технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқаришда ғовакли ноорганик тўлдирувчиларни ишлаб чиқиш ва қуллашнинг ҳозирги замон ҳолатини таҳлил қилиш;

импорт ўрнини босувчи кукунли гидрофобизаторнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва унинг самарали таркиби ва технологиясини ишлаб чиқиш;

кукунли гидрофобизаторни қуллаш орқали гидрофобланган кўпчитилган вермикулитни олиш ва уларнинг хоссаларини тадқиқ этиш;

кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзаси гидрофобизацияси учун кукунли гидрофобизатор олишнинг технологик параметрларини оптималлаштириш;

минерал боғловчиси ва гидрофобланган вермикулит асосида енгил гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи материалларни оптимал таркибини ишлаб чиқиш ва сувоқли аралашмаларнинг хоссалари ва қотиш жараёнидаги минерал боғловчисининг структура ҳосил қилиш механизмига модификацияловчи қўшимчаларнинг таъсирини тадқиқ этиш;

кукунли гидрофобизатор ва енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва технологик регламентини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кукунли гидрофобизатор ва Қорақалпоғистон Республикаси маҳаллий хомашёлари асосидаги гидрофобланган вермикулит ва ундан фойдаланиб тайёрланган енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети гидрофобланган кўпчитилган вермикулит ва у асосидаги сувоқ аралашмаларнинг хоссалари, гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи материалларнинг оптимал таркиблари, уларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни, ҳамда уларнинг физик-механик, физик-кимёвий ва техник-иқтисодий кўрсаткичлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлилнинг замонавий усулларида, структура ҳосил бўлишининг рентген-фаза ва дифференциал термик таҳлили, электрон микроскопия, материалларнинг физик-механик хоссаларини ўрганишнинг стандарт усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор кўпчитилган вермикулитни гидрофобизация қилиш ва юқори самарали иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқаришда қўллашга мўлжалланган кукунли гидрофобизаторнинг янги таркиби ишлаб чиқилган;

кўпчитилган вермикулитни 4,0 – 5,0 % кукунли гидрофобизатор билан гидрофобизациялаш натижасида кўпчитилган вермикулитнинг сувга туййиниш (сув ютиш) даражаси 42,0 % гача камайиши аниқланган ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти паст бўлган енгил иссиқлик сақловчи материалларда «таркиб-хосса» функционал боғлиқлик исботланган;

иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли қоришмаларнинг хоссаларига таркибий омиллар таъсирининг қонуниятлари аниқланган, шунингдек сувоқ

аралашмалари таркибларининг физико-механик ва эксплуатацион хусусиятларининг боғлиқлиги исботланган;

кукунли гидрофобизатор ва юқори самарали енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларини ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кальций стеарат билан талькомагнезитни механоактивация қилиш натижасида кўпчитилган вермикулитни сирт юзасини гидрофобизацияси учун кукунли гидрофобизатор олиш технологияси ишлаб чиқилган;

илмий асосланган ёндашув асосида кукунли гидрофобизатор таркибини танлаш натижасида кам сув ютиш қобилиятига эга бўлган гидрофобланган кўпчитилган вермикулит олиш ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти паст бўлган енгил иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқариш мумкинлиги исботланган;

модификацияловчи қўшимчаларни қўллаш натижасида гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи аралашмаларнинг юқори физик-механик ва эксплуатацион хусусиятларига эга бўлган таркиблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Олинган натижаларнинг ишончлиги замонавий физик-кимёвий ва физик-механик таҳлил усулларини қўллаш орқали экспериментал тадқиқотлар комплекси, шунингдек стандарт услуб ва воситалардан фойдаланилганлиги, тажрибалар қурилиш меъёри ва қоидаларига биноан амалга оширилганлиги, илгариги тадқиқот натижалари билан ўзаро муносабатда эканлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти кукунли гидрофобизатордан фойдаланган ҳолда кўпчитилган вермикулитни сирт юзаси гидрофобизациясини асослилигини тасдиқлаш ва гидрофобланган вермикулитдан фойдаланган ҳолда енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларнинг асосий эксплуатацион ва технологик омилларининг функционал боғлиқлигини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бинолар ва иншоотларни иссиқлик изоляцияси учун гипс, кўпчитилган ва гидрофобланган вермикулит ва модификацияловчи қўшимчалар асосида паст иссиқлик ўтказувчанлик ва юқори адгезион хусусиятга эга енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларини ишлаб чиқаришга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўпчитилган вермикулитни гидрофобизация қилиш ва иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмалар ишлаб чиқаришда қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

кўпчитилган вермикулитни гидрофобизация қилиш учун ишлаб чиқилган кукунли гидрофобизатор таркиби ва иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли қоришма ишлаб чиқариш технологияси «NUKUS INDAST STROY» ҚҚда амалиётга жорий этилган («Ўзсаноатқурилишматериалари» уюшмасининг 2021 йил 7 майдаги 05/15-1220-сон маълумотномаси).

Натижада, кўпчитилган вермикулитнинг сувга тўйиниш даражасини 42,0 % гача, иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларининг қуриш вақтини 10,0 – 25,0 % гача камайтириш имконини берган;

гипс боғловчиси ва кўпчитилган гидрофобланган вермикулит асосида энгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмасини олиш технологияси «TERMOZON» МЧЖда ишлаб чиқаришга жорий қилинган («Ўзсаноатқурилишматериалари» уюшмасининг 2021 йил 7 майдаги 05/15-1220-сонли маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган сувоқ аралашмасининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,16-0,19 Вт/м•К ва сувоқ аралашмасининг вертикал юзаларга ёпишиш мустаҳкамлиги 0,33 МПа бўлишини таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертация асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шу жумладан 2 та хорижий ва 7 та республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 103 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари ҳамда тадқиқотнинг объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиёти устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниш даражаси кўрсатилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **«Иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқаришда ғовакли тўлдирувчилардан фойдаланишнинг замонавий ҳолати ва истиқболлари»** бобида илмий-техник адабиётларда нашр этилган ишларнинг танқидий таҳлили, гидратланган слюда гуруҳига тегишли минералларнинг минерал-хомашё базасини таҳлил қилиш, гидрофобизация усули билан иссиқлик сақловчи сувоқ таркибларини ишлаб чиқишда Қорақалпоғистон Республикаси Тебинбулоқ кони кўпчитилган вермикулитини комплекс қайта ишлаш ва қўллаш масалалари ёритилган.


Минерал боғловчи асосидаги иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқариш ҳолати таҳлили куқунли гидрофобизатор ишлаб чиқиш ва гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқли қоришмалар ишлаб чиқаришда ғовакли тўлдирувчи ҳисобланган кўпчитилган вермикулитни гидрофобизация қилишда янгича ёндошиш мумкинлиги кўрсатилган. Адабиёт ва патент манбалари таҳлили натижасида тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг иккинчи **«Тадқиқот объектини танлаш ва тавсифи, таҳлилнинг физик-кимёвий усуллари»** бобида кўпчитилган вермикулитни гидрофобизациялаш учун куқунли гидрофобизаторни яратиш бўйича тажриба ишларини ўтказиш учун объектни танлаш ва усуллари шакллантирилди. Иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларнинг таркибларини ишлаб чиқиш учун минерал боғловчи материал сифатида ГОСТ 125-79 талабларига жавоб берувчи Г-6 маркали гипс боғловчи, ГОСТ 9179-2018 талабларига жавоб берувчи сўндирилган оҳак, ГОСТ 56775-2015 талаби бўйича микрокальцит, шунингдек, модификацияловчи кўшимчалар ишлатилди. Ғовакли тўлдирувчи сифатида ГОСТ 12865-67 талабларига жавоб берадиган кўпчитилган вермикулит ишлатилди.

Кўйилган вазифаларни бажаришда тизимли ёндашувни таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотни босқичма-босқич бажариш тизими ишлаб чиқилди (1-расм).

Комплекс равишда микроскопик (жумладан, кимёвий таҳлил тизимига ега бўлган сканерлаш электрон микроскопи СЭМ), термик таҳлил усуллари, рентгеноструктуравий таҳлиллар қўлланилди, физик ва механик синовлар ўтказилди, бу эса асосий компонентларнинг структураларидаги ўзгаришларни алоҳида ва тизимнинг бошқа қисмлари билан биргаликда етарлича тўлиқ баҳолаш имконини беради. Ишлаб чиқиладиган иссиқлик

сақловчи материалларнинг структуравий хусусиятларини («тўлдирувчи – гипсли қоришма» контакт зонасининг гидрофоблик ҳолати, янги структура ҳосил қилиш жараёни) аниқлаш ҳам енгил иссиқлик сақловчи материаллар тайёрлашда ҳар бир компонентнинг хусусиятини ўрганишга имкон беради.




1-расм. Тадқиқотни ўтказишнинг таркибий-услубий тизими

Гидрофобланган кўпчитилган вермикулитнинг сувни ютиши ГОСТ 9758-2012 бўйича аниқланди. Сувоқ аралашмаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 25x25x5 см ўлчамдаги намуналарда ГОСТ 7076-99 бўйича аниқланди.

Диссертациянинг учинчи «**Кукунли гидрофобизаторни ишлаб чиқиш ва гидрофобланган кўпчитилган вермикулит олиш**» боби Тебинбулоқ вермикулит концентратининг физик-кимёвий ва структуравий таҳлиллари, кукунли гидрофобизатор таркибини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш, кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзаси гидрофобизациясини шакллантириш механизми, кукунли гидрофобизаторнинг (КГ) кўпчитилган вермикулитнинг сувни ютишига таъсири бўйича экспериментал тадқиқотларга бағишланган.

Сканерлаш электрон микроскопи (СЭМ) ёрдамида вермикулитнинг кимёвий таркиби аниқланди. Вермикулитни JEOL JSM-5610 LV (Япония) ёрдамида ўтказилган микроскопик таҳлилда 500 (2-расм, а) ва 100 (2-расм, б) баробар катталаштирилган ҳолда ўрганилиб, хомашёнинг иккала

намуналарида вермикулит пластинкали агрегатлардан ташкил топганлиги аниқланди.



2-расм. Вермикулитнинг ×500 (а) ва ×100 (б) баробар катталаштирилган электрон-микроскопик тасвири

(а)

(б)

Тадқиқ қилинаётган вермикулитдаги температура таъсирида фаза ўтишлар тадқиқоти инерт муҳитда 20-1200°C ҳарорат оралиғида, дифференциал сканерловчи калориметрия усулида ўтказилди.

Вермикулитнинг майдаланган намунасининг рентгенфаза таҳлили натижасида вермикулит концентратида мавжуд бўлган асосий кристалл фазалар вермикулит эканлиги аниқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Тебинбулоқ кони слюдали минерал хомашёсидан олинган кўпчитилган вермикулитнинг асосий физик таъсирлари ўрганилди.

Кўпчитилган вермикулит асосидаги замонавий иссиқлик сақловчи қурилиш материалларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу уларнинг ғовақчилиги, натижада намликни юқори миқдорда сингдириши ҳисобланади.

Янги турдаги юқори самарали иссиқлик сақловчи пардозлаш ва қолиплаш усули билан олинадиган материалларни ишлаб чиқишда гидрофобланган полидисперс тўлдирувчини қўллаш орқали эришиш мумкинлиги аниқланди. Кўпчитилган вермикулитни кукунли гидрофобловчи билан сирт юзасини гидрофоблашда материалнинг ғовақли структураси, сувоқ аралашмалар ва улар асосидаги маҳсулотларнинг паст ҳажмий оғирлиги сақланиб қолинади.

Кукунли гидрофобизатор ҳар хил нисбатлардаги кальций стеарати ва талкомагнезитни лаборатория тегирмонида механоактивация усулидан фойдаланиб олинди.

Тадқиқот натижаларига кўра, механик фаоллаштиришда талкомагнезит зарраларининг тангасимон шакли кальций стеаратининг гидрофоблик хоссасини ошириши аниқланди. Ишлаб чиқилган кукунли гидрофобизатор таркибида кремний оксиди (SiO_2) микрозаррачаларининг мавжудлиги юқори дисперс аралашма ҳосил бўлишига имкон бериши аниқланди.

Гидрофоб вермикулитнинг сувни ютишига кукунли гидрофобизатор таркибининг таъсири 1-жадвалда келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, кукунли гидрофобизатор таркибида кальций стеаратнинг ва қуруқ қоришма таркибида кукунли гидрофобизаторнинг масса улушлари ортиши билан полидисперс тўлдирувчининг сув ютиш даражаси ($W'_{\text{ютиш}}$) кескин пасаяди. Кўпчитилган


вермикулит заррачалари гидрофоблигининг ошиши шу билан изоҳланадики, кукунли гидрофобизаторни аралаштириш жараёнида кўпчитилган вермикулит зарраларининг сирт юзаси гидрофобизацияси жадал содир бўлади.

1-жадвал

Кўпчитилган вермикулитнинг сувни ютиш даражасига кукунли гидрофобизатор миқдорининг таъсири

№	Таркиб, масс. %		Кукунли гидрофобизатор таркиби, масс. %		Сувни ютиши, масса бўйича, %	Сувни ютиш даражаси, %
	Кўпчитилган вермикулит	Кукунли гидрофобизатор	Кальций стеарати	Талькомагnezит		
1	100	-	-	-	223	100
2	99,0	1,0	30,0	70,0	202	90,58
3	98,0	2,0			178	81,61
4	97,0	3,0			162	72,65
5	96,0	4,0			151	67,71
6	95,0	5,0			148	66,36
7	99,0	1,0			40	60
8	98,0	2,0	175	78,47		
9	97,0	3,0	141	62,22		
10	96,0	4,0	124	55,60		
11	95,0	5,0	107	52,98		
12	99,0	1,0	50	50		
13	98,0	2,0			157	70,40
14	97,0	3,0			131	59,68
15	96,0	4,0			112	50,22
16	95,0	5,0			95	48,76
17	99,0	1,0			60	40
18	98,0	2,0	141	63,22		
19	97,0	3,0	119	53,36		
20	96,0	4,0	105	44,08		
21	95,0	5,0	90	41,53		

Кукунли гидрофобизатор иштирокида гидрофобланган кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзаси рельефи 3-расмда кўрсатилган.



3-расм. Кўпчитилган ва гидрофобланган вермикулитнинг сирт юзаси рельефи (× 100 баробар катталаштирилган)

Тўртинчи «Кўпчитилган ва гидрофоб вермикулит асосида иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли сувоқ қоришмаларнинг таркиб ва технологиясини ишлаб чиқиш» бобда 0,1-3,0 ва 0,1-5,0 мм ўлчамдаги фракцияга эга гидрофобланган вермикулитдан фойдаланиш орқали юқори самарали иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмалар таркибларини ишлаб чиқиш бўйича натижалар келтирилган.

Натижаларга кўра, иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмалар таркибида боғловчи:тўлдирувчи нисбатининг ўзгариши билан куруқ қоришманинг ҳажмий оғирлиги ва у асосидаги аралашмалар зичлигининг ўзгариши, ишлаб чиқилган таркиблар ҳажмий оғирлиги 370 дан 600 кг/м³ гача эканлиги ва энгил иссиқлик сақловчи қоришмаларга қўйилган талабларга жавоб бериши аниқланди (2-жадвал).


2-жадвал

Энгил иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли сувоқ қоришмалари ва аралашмаларнинг ҳажмий оғирлигига боғловчи:тўлдирувчи нисбатнинг боғлиқлиги

№ аралашма	Боғловчи:тўлдирувчи нисбати	Куруқ қоришманинг ҳажмий оғирлиги, кг/м ³	С/Қ	Сувоқ аралашмаси массаси, кг/м ³
1	1,00	370 – 390	0,70	445
2	1,25	460 – 440	0,73	505
3	1,50	490 – 510	0,75	575
4	1,75	550 – 570	0,77	655
5	2,00	580 – 600	0,81	720

Сувоқ аралашмалар тайёрлашда сарфладиган сувнинг миқдори қоришма таркибига боғлиқлиги аниқланди. Бунда, ёйилиши (нормал зичликда) 8-12 см бўлган аралашмани олиш учун С/Қ нисбати 0,70-0,81 ташкил этди. Сувоқ аралашмасидан тайёрланган ва намлиги $W = 1,5 \%$ бўлганда намуналарнинг ҳажмий оғирлиги 445 дан 720 кг/м³ эканлиги тадқиқотлар натижасида аниқланди.

Экспериментал тадқиқотлар асосида кукунли гидрофобизатор ва гидрофоб вермикулит ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди. Технологик схема 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Кукунли гидрофобизатор ва гидрофоб вермикулит ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1 - талькомагнезит учун бункер; 2 - кальций стеарати учун бункер; 3, 4, 13, 14 - дозаторлар; 5, 6 - шнек; 7 - шар тегирмонининг қабулловчи воронкаси; 8 - шарли тегирмон; 9 - қабулловчи бункер; 10 - элеватор; 11 - кукунли гидрофобизатор учун бункер; 12 - кўпчилган вермикулит учун бункер; 15 – парракли аралаштиргич; 16 - қадоқлаш қурилмаси.

Полидисперс тўлдирувчи ва минерал боғловчи асосида сувоқ аралашмаларнинг реологик хоссаларини яхшилашда модификацияловчи кимёвий қўшимчаларни қўллаш орқали амалга оширилди.

Иш давомида микротўлдирувчиларнинг ва кимёвий қўшимчаларнинг тури ва миқдорининг иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмалари хоссаларига таъсири ўрганилди. Натижаларга кўра, иссиқлик сақловчи материаллар таркибига 0,22-0,26 % (қоришма оғирлигига нисбатан) суперпластификаторнинг қўшилиши сувоқ аралашмаларнинг сувга бўлган эҳтиёжини 15,0-20,0 % га камайтирди.

Иссиқлик сақловчи аралашмалар таркибига 0,1 % гача метилгидроксиэтилцеллюлоза ва 4,0 % гача сўндирилган оҳакни қўшиш билан сувни ушлаб туриш қобилияти 97,0-98,0 % га етиши аниқланди. Бундан ташқари, ушбу қўшимчалар сувоқ аралашмаларни қуюқлаштирувчилари ҳисобланади, сувда эритилганда бўкиш жараёни содир бўлади, бу эса гомоген аралашманинг ҳосил бўлишига олиб келади. Аралашма таркибида 0,20-0,25 % миқдорда редиспергацияловчи полимер кукунининг мавжудлиги гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқ аралашманинг адгезион кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди.

Иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмалар таркибида модификацион қўшимчаларни қўллаш натижасида икки гидратли кальций сульфатни кристалл структурасининг шаклланиш жараёнини 90 дақиқагача секинлаштиришга эришилди. Бунда сувоқ аралашмаларнинг сувни (намликни) сақлаш қобилияти, оқувчанлиги, ёпишиш мустаҳкамлигининг (адгезион хоссаси) яхшиланиши ва қуригандан сўнг ёрилмаслиги аниқланди.

Экспериментал тадқиқотлар давомида аниқландики, қоришма таркибига ноорганик микроқўшимчалар – сўндирилган оҳак ва микрокальцит қўшилганда боғловчи ва тўлдирувчи юзасида майда дисперс заррачаларнинг адсорбцияланиши ва улар орасида ўзаро боғланиш содир бўлади. Натижада гипс боғловчи ва тўлдирувчи орасида тортишиш кучи жадаллашади, бу эса аралашманинг вертикал юзага осон суртилишига олиб келади. Бундан ташқари, ушбу микротўлдирувчилар ярим гидратли кальций сульфат билан биргаликда оқувчан суспензия ҳосил қилишни таъминлайди ва сувоқ аралашмада тўлдирувчининг юзасини қоплаб олади. Аралашма таркибида сувда эрийдиган полимерларнинг мавжудлиги майда дисперс заррачаларнинг таъсирини оширади, ва шу билан икки гидратли кальций сульфат ва гидрофобланган тўлдирувчи заррачалари ўртасида ўзаро тортишиш кучини янада ошириш орқали улар орасидаги бўшлиқни тўлдириб, зич структура ҳосил қилиши аниқланди.

Ўтказилган термофизик тадқиқотлар асосида гипс-вермикулитли сувоқ аралашмаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,16-0,19 Вт/м·К ташкил этиши аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Сувоқ аралашмалар иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентининг зичликга нисбатан ўзгариши


0,1-3,0 мм фракцияли тўлдирувчи					
Зичлик (ҳажмий оғирлиги), кг/м ³	445	505	575	655	720
Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/м·К	0,165	0,171	0,178	0,189	0,198
0,1-5,0 мм фракцияли тўлдирувчи					
Зичлик (ҳажмий оғирлиги), кг/м ³	395	450	515	585	655
Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти, Вт/м·К	0,162	0,166	0,171	0,179	0,187

Экспериментал тадқиқотлар натижасига кўра, олинган намуналарнинг зичлиги ортиши билан иссиқлик ўтказувчанлик ошади.

Жадвал маълумотларни таҳлил қилиб шундай хулоса қилиш мумкин, енгил тўлдирувчи ва модификацияловчи кимёвий қўшимчалар миқдорига боғлиқ равишда сувоқ аралашманинг термофизик ва физик-механик хоссаларини бошқариш мумкинлиги аниқланди.

Гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларни қўллаш орқали сувалган юзаларнинг натижалари 5-расмда келтирилган.


Боғловчи:тўлдирувчи 2:1; 1,75:1 ва 1,5:1 нисбатдаги сувоқ аралашмалар текис силлиқ юза ҳосил қилиши ва безак берилган (сувалган) юзада вермикулит доналари кўринмаслиги, таркибида боғловчи ва микротўлдирувчилар миқдори кўплиги натижасида аралашмада суспензиянинг кўп миқдори ҳосил бўлиши билан изоҳланади (5-расм -а, -б).



5-расм. 0,1-3,0 мм (а, б) ва 0,1-5,0 мм (в, г) фракцияли гидрофоб вермикулит тутган гипс-вермикулитли сувоқ аралашмаларининг сирт юзаси рельефи

Боғловчи:тўлдирувчи 1,25:1 ва 1:1 нисбатдаги аралашмаларда, яъни суспензия миқдорининг камайиши билан сувалган юзада тўлдирувчининг доналари яққол кўриниб турибди (5-расм -в, -г).

Гипс-вермикулитли аралашмаларнинг қотгандаги намуналарини кўндаланг кесма қисмида гидрофоб вермикулит доналарининг жойлашуви 6-расмда келтирилган. Тасвирлардан вермикулит доналарининг икки гидратли кальций сульфат матрицаси ўртасида жойлашганлиги кўриниб турибди (6-расм).



6-расм. Гипс-вермикулитли сувоқ аралашмасининг етти кунда қотишидан сўнг кўндаланг синиш сирт юзаси рельефи (60 баробар катталаштирилган):
 а) 0,1-3,0 мм фракцияли тўлдирувчи, б) 0,1-5,0 мм фракцияли тўлдирувчи


Иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли сувоқ аралашмаларининг қотиш жараёни ва сувоқ аралашманинг ҳаракатчанлиги $P_k = 8-10$ см бўлганда девор юзасига ишлов берилган аралашмаларнинг ишлаш қобилияти ўрганилди. Юзага сурилган аралашманинг ишлаш муддати дастлабки хоссасини сақлаб туриш вақти бўйича, яъни бунда юзани текислаш бўйича ишларни ўтказиш мумкин бўлган вақт бўйича баҳоланди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аралашманинг юзага енгил ётиш қобилияти ва аралашмага ишлов бериш даврида аралашма намни ушлаб туриш хусусиятига эгаллиги қоришма таркибига қўшилган кимёвий қўшимчалар миқдорига боғлиқлиги аниқланди.

Шундай қилиб, енгил иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларининг ишлов бериш даврида намликни (сувни) ушлаб туриш ва вертикал юзага ётиш қобилияти юқори эканлиги аниқланди.

Микроскопик тадқиқот ёрдамида аниқландики, аралашмани сув билан аралаштириш жараёнида гипс боғловчиси сувда эриши натижасида суспензия ҳосил бўлади, бу эса гидрофоб тўлдирувчи юзасини қоплайди ва


қотиш жараёнида тўлдирувчи билан боғланган ҳолда монолит кўринишидаги каркасни ҳосил қилади (6-расм).

Гипс-вермикулитли сувоқ аралашмаларнинг кристалланиш жараёнини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра модификацияловчи қўшимчалар гипс боғловчисини қотиш даврида кристалланиш жараёнини секинлаштиради (7-расм).



7-расм. Кўпчитилган вермикулитнинг гидрофобланиш даражасининг гипс-вермикулитли сувоқ аралашмасининг қотиш даврига таъсири:
 1—қотиш даврининг бошланиши;
 2—қотиш даврининг тугаши


Иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларда гипс боғловчисининг қотиш жараёнида фаза таркибининг ўзгариши рентгенграфия усулида тадқиқ этилди. Бир сутка давомида қотишидан сўнг сувоқ аралашмасининг рентгенограммаси 8-расмда келтирилган.



8-расм. Бир суткадан кейин қотган сувоқли аралашманинг рентгенограммаси

Ўтказилган физик-кимёвий тадқиқотлар асосида аниқландики, қурилиш гипси иштирокидаги иссиқлик сақловчи сувоқли аралашмаси системасининг шаклланиш жараёни икки гидратли кальций сульфатнинг туйинган эритма ҳосил бўлиши билан боғлиқ. Аралашма структурасида гидратли бирикманинг кристалларининг ўсиши ва уларнинг зич структура ҳосил қилиб бирикиши – гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқли аралашма системасининг қотиш жараёни билан боғлиқлиги аниқланди.

Бешинчи «Кўпчитилган ва гидрофобланган вермикулит асосида ишлаб чиқилган гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқли қоришмаларнинг амалий, иқтисодий жиҳатлари» бобида гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи қоришмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ишлаб чиқилди (9-расм).



9-расм. Гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи қоришмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси:

1 – гипсли боғловчи учун бункер; 2 – гидрофобланган вермикулит учун бункер; 3 – микрокальцит (оҳак тоши уни) учун бункер; 4 – сўндирилган оҳак учун бункер; 5, 10 – дозаторлар; 6 – лентали транспортер; 7, 8, 9 – модификацияловчи қўшимчалар учун бункерлар; 11 – спиралсимон парракли қориштиргич ва қадоқлаш қурилмаси; 12 – тайёр маҳсулот учун транспортер

Шунингдек, иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмалар учун норматив-техник ҳужжатларда кўйилган талабларга жавоб берувчи куруқ иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларнинг рационал таркиблари синовдан ўтказилди. Гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи материалларни ишлаб чиқариш бўйича технологик регламент (ТИ 224-02-2020) ишлаб чиқилди ва қурилиш саноати корхоналарида жорий қилиш учун тавсия этилди.

Гидрофобланган кўпчитилган вермикулит асосида иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларнинг тажриба-саноат синовлари «NUKUS INDAST STROY» ҚКда (Нукус шаҳри) ўтказилди ва «TERMOZON» МЧЖда (Тошкент шаҳри) амалиётга жорий қилинди.

Иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли сувоқ қоришмалар ва улар асосидаги аралашмаларнинг тажриба-саноат партиясининг асосий тавсифлари аниқланди. Саноат шароитида олинган иссиқлик сақловчи гипс-вермикулитли сувоқ қоришмалар физик-механик ва термофизик кўрсаткичлари бўйича ГОСТ 31377-2008 «Смеси сухие строительные штукатурные на гипсовом вяжущем. Технические условия» томонидан кўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши тасдиқланди.

Гидрофобланган вермикулит ва β-яримгидратли кальций сульфатни қўллаш орқали энгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларни ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий самарадорлиги ҳисоби амалга оширилди.

Шундай қилиб, иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш кўрсатдики, гидрофобланган вермикулит асосида иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларининг ишлаб чиқилган янги таркибини амалиётга жорий қилишда сезиларли иқтисодий самарадорликка эришилади. Яъни, куруқ қурилиш қоришмасини ишлаб чиқариш цехининг қуввати 1000 т/йил бўлганда иқтисодий самарадорлик 536 068 000 сўм/йил ташкил этади.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажаришда куйидаги асосий илмий ва амалий натижаларга эришилди:

1. Кукунли гидрофобизатор кўллаш орқали кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзасини гидрофобизация қилиш имконияти илмий асосланди. Кукунли гидрофобизаторни талькомагнезит ва кальций стеаратидан ташкил топган аралашмани механик фаоллаштириш усулида олиш мумкинлиги кўрсатиб берилди.

2. Механик фаоллаштириш жараёнида кальций стеаратнинг талькомагнезит билан аралашмаси кўшимча майдаланиш жараёнида фаолланиши аниқланди. Талькомагнезит таркибида кремний оксиди (SiO_2) микрозаррачаларининг бўлиши кукунли гидрофобизаторнинг майда дисперсли ва майин аралашмасинининг ҳосил бўлишига олиб келади, бунда талькомагнезит заррачаларининг тангасимон шакли кальций стеаратнинг гидрофоблигини ошириши аниқланди.

3. Кўпчитилган вермикулитнинг сирт юзасини гидрофобизация қилиш натижасида унинг макро- ва микроғовакчаларининг сирт юзаси гидрофобизацияси содир бўлиши ва 4,0-5,0 % кукунли гидрофобизатор иштирокида эришилиши аниқланди.

4. Иссиқлик сақловчи қоришмалар таркибида пластификацияловчи кўшимчаларни ишлатиш икки гидратли кальций сульфатнинг кристалланиш жараёнини секинлаштиришга, сувга бўлган талабини камайтиришга ва олинган иссиқлик сақловчи сувоқ аралашмаларнинг физик-механик хоссаларини яхшилашга имкон бериши аниқланди. Иссиқлик сақловчи қоришмалар таркибига полимер кўшимчаларни қўшиш сувоқ аралашманинг вертикал юзалар билан ёпишиш мустаҳкамлигининг (адгезион хоссаси) ошишини (0,33 МПа), шунингдек, қуриш жараёнида ёрилмаслигини таъминлаши аниқланди.

5. Қурилиш гипси асосидаги иссиқлик сақловчи сувоқ аралашма системасининг шаклланиш жараёни икки гидратли кальций сульфатнинг ўта тўйинган эритмадан ҳосил бўлиши билан боғлиқдир. Гидратация жараёнида ҳосил бўлган гидратли бирикмалар кристалларининг ўсиши ва гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқ аралашманинг зич структурасини ҳосил қилиб бирлашиши аниқланди.

6. Кукунли гидрофобизатор ва енгил иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларни ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси ва технологик регламенти ишлаб чиқилди.

7. Экспериментал тадқиқотлар ва тажриба-саноат синовлари давомида ўртача зичлиги $370-600 \text{ кг/м}^3$ ва иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти $0,16-0,19 \text{ Вт/м}\cdot\text{К}$ бўлган енгил сувоқ қоришмалари олинди. Иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмаларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланди. Йилига 1000 т гипс-вермикулитли иссиқлик сақловчи сувоқ қоришмасини ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик 536 068 000 сўмни ташкил этиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Т.20.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ИМЕНИ БЕРДАХА**

ДОСАНОВА ГУЛЗАР МАУЛЕНБЕРГЕНОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ГИДРОФОБИЗАЦИИ ВСПУЧЕННОГО
ВЕРМИКУЛИТА И ЛЕГКИХ ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННЫХ
МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ МЕСТНЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером B2021.1.PhD/T1916 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете имени Бердаха. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.karsu.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Талипов Нигматулла Хамидович доктор технических наук
Официальные оппоненты:	Закиров Бахтияр Сабиржанович доктор химических наук, профессор Канпбергенов Атабек Тулепбергенович доктор технических наук
Ведущая организация:	Ташкентский Химико-технологический институт

Защита диссертации состоится «24» сентября 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета Ph.D.03/30.12.2019.T.20.03 при Каракалпакском государственном университете по адресу: 230112, г. Нукус, ул. Ч. Абдилова, 1. Тел: (+99861) 223-60-47, факс: (+99861) 223-60-78, e-mail: karsu_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского государственного университета (зарегистрирована за №46). (Адрес: 230112, г. Нукус, ул. Ч. Абдилова, 1. Тел: (+99861) 223-59-49.)

Автореферат диссертации разослан «06» сентября 2021 года.
(протокол рассылки № 1 от «06» сентября 2021 года).



А. М. Реймов
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.,
профессор

Р. К. Курбаниязов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н.,
доцент

Ш. Н. Туремуратов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Изменившаяся экономическая ситуация в мире обусловила необходимость переоценки материально-сырьевой базы стройиндустрии с целью рационализации ее использования. Одним из путей достижения указанной цели является создание новых видов теплоизоляционных материалов, более эффективных и дешевых, по сравнению с традиционными. Перспективным направлением является использование неорганических вспученных заполнителей в производстве легких теплоизоляционных штукатурных материалов, применяемые в строительной индустрии. В производстве теплоизоляционных материалов важную роль играют модифицирующие добавки, при этом особое значение имеет создание нового состава гидрофобизатора и определение степени гидрофобизации заполнителя.

Во всем мире ведутся научные исследования по получению новых неорганических теплоизоляционных материалов на основе минеральных связующих, пористых структурных заполнителей и микрозаполнителей. В связи с этим особое внимание уделяется созданию состава порошкового гидрофобизатора для гидрофобизации вспученных заполнителей, разработке новых составов с улучшенными эксплуатационными свойствами за счет использования гидрофобизированных вспученных заполнителей и модифицирующих добавок, совершенствованию существующих технологий и разработке технологии теплоизоляционных материалов с применением гидрофобизированных пористых заполнителей местного производства.

В Республике, благодаря осуществлению широкомасштабных мероприятий достигнуты определенные научные и практические результаты по освоению новых месторождений минерального природного сырья и разработке технологии получения теплоизоляционных материалов различного назначения. В четвертом направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи, направленные на «...стимулирование научно-исследовательской и инновационной деятельности, создание эффективных механизмов внедрения научных и инновационных достижений в практику...»². В связи с этим, важное значение имеет разработка нового состава порошкового гидрофобизатора для поверхностной гидрофобизации вспученного вермикулита и технологии легких теплоизоляционных материалов на основе местного сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах», № УП-5646 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отрасли

² Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947. Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах.

Республики Узбекистан» и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4335 от 23 мая 2019 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию промышленности строительных материалов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII: «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Исследованиями теплоизоляционных строительных растворов с применением легких заполнителей занимались такие ученые, как П. П. Геденов, Ю. П. Горлов, Ю. М. Тихонов, Т. Ю. Еремина. Большой вклад в исследовании вермикулита-сырца, а также вспученного вермикулита, материалов и изделий на его основе внесли такие ученые, как И. У. Грунер, Г. Ф. Уолкер, И. Баршад, А. Аргуэлес, Р. Я. Ахтямов, И. А. Левицкий, К. Н. Дубенецкий, А. П. Пожнин, П. А. Арифов, З. Р. Кадилова, К. Ф. Таджиев.

Особенности поведения гипсовых вяжущих в теплоизоляционных смесях описаны в работах В. Ф. Коровякова, П. П. Будникова, Х. С. Воробьева, Ю. Г. Мещерякова, А. В. Ферронской, Х. Б. Фишера, А. Д. Жукова, И. Хааса и др. Разработкой составов теплозащитных материалов занимались научно-исследовательские и проектные институты – ЦНИИСК им. В.А.Кучеренко, «Теплопроект», УралНИИСтромпроект, Институт общей и неорганической химии АН РУз, ЛИСИ (СПбГАСУ). Среди исследователей, внесших значительный вклад в развитие производства и разработку составов теплоизоляционных сухих строительных смесей, следует выделить таких ученых, как Ю. М. Баженов, Э. Л. Большаков, В. И. Корнеев, П. В. Зозуля, В. С. Демьянова, А. И. Кудяков, А. Ф. Бурьянов, Г. И. Яковлев, Н. Х. Талипов.

Анализ научно-технической литературы показал, что разработка состава порошкового гидрофобизатора для гидрофобизации вспученного вермикулита и применение в производстве легких теплоизоляционных отделочных смесей на основе гипсового вяжущего является мало изученным.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Каракалпакского Государственного университета прикладного проекта ОТ-А-14-25 «Разработка составов и технология получения композиционных теплоизоляционных материалов на основе модифицированного вермикулита» (2017-2018 гг.).

